

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ  
PRIORITY DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF INNOVATION  
CLUSTERS IN UZBEKISTAN**

**Самадқулов Муҳаммаджон**  
**иқтисод фанлари бўйича PhD,**  
**Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиали,**  
**Сирдарё, Ўзбекистон**

**Samadkulov Muhammadjon**  
**PhD in Economics,**  
**Yangier Branch of Tashkent Chemical Technology Institute,**  
**Syrdarya, Uzbekistan**

**АННОТАЦИЯ.** Иқтисодий инновацион тараккий эйтиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бермаётган ҳозирги шароитда, “кластер” назариясини амалиётга жорий қилиш энг мақбул йўл ҳисобланади.

**ABSTRACT.** In the innovative development of the economy, especially in the current conditions where the traditional methods of economic development are not sufficiently beneficial, the implementation of the "Cluster" theory is considered to be the most appropriate way.

**КАЛИТ СЎЗЛАР.** Инновацион кластер, давлат-хусусий шерикчилиги, саноат кластери, ялпи ички маҳсулот, инфратузилмага инвестициялар, таълим ютуғи, технологик ютуқлар.

**KEY WORDS.** Innovation Cluster, public-private partnership, industrial cluster, gross domestic product, infrastructure investment, educational achievement, technological advancement.

**КИРИШ.**

Ҳар қандай мамлакатда кластерларнинг яратилиши кичик бизнес ва йирик корхоналарнинг инновацион ривожланиши учун кучли туртки беради.

Шу нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги мураккаб шароитда республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун “...кластерлар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак.”

Бизнинг фикримизча, саноатни кластерлаштиришда инновацион ёндашувни амалиётга жорий қилиш, яъни, инновацион кластерларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион кластерлар ривожланиши мавжуд саноат компанияларига илмий-тадқиқот натижаларини интенсив равишда жорий қилиш, йирик корхоналар томонидан қўшилган қиймат занжирига кириш учун янги кичик ва ўрта корхоналар давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этиш ҳисобига амалга оширилади.

### **АСОСИЙ ҚИСМ.**

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни бошқаришда тармоқ ёндашувидан фойдаланиш устунлик қилади, бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётни инновацион жиҳатдан тўлиқ янгилашга имкон бермайди. Республикада ЯИМнинг фан сиғимкорлиги даражаси ҳануз пастлигича қолмоқда. Шу сабабли мамлакат миқёсида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришда янги ёндашувларни излаш, шунингдек инновацияларни яратиш, тарқатиш ва тижоратлаштириш борасида қулай муҳит юзага келтириш масалалари долзарб аҳамият касб этади.

Замонавий иқтисодиётда кластерли ёндашув ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш ва ташкилотларнинг рақобатбардошлик ҳамда инновацион фаоллик даражасини оширишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади, чунончи, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси ҳақиқатдан ҳам, иқтисодиётни инновацион жиҳатдан ривожлантиришда кластерлаштириш амалиётининг ўрни муҳим эканлигидан далолат беради.

Аксарият олимлар таъкидлашича, барча кластерлар у ёки бу даражада инновацион ривожланишга, инновацион жараёни у ёки бу даражада тезлаштиришга ҳисса қўшади ва ҳатто уларнинг баъзилари мазкур вазифани бажаришга ихтисослашганлиги билан ҳам ажралиб туради. Айнан ушбу ғоя инновацион кластерлар концепциясининг асосини ташкил қилади. Инновацион кластерлар инновацияларга мойил бўлиб, бу фирмаларнинг ўз фаолиятларини ташкил этиш ва ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнида намоён бўлади. Улар иқтисодий субъектларнинг инновацияларни қабул қилишга мойиллигини ошириш, бизнесни оқилона

ташқил қилиш, маҳсулдорликни ошириш каби афзалликларини ривожлантиришга ёрдам беради.

БМТнинг “Компанияларнинг инновацион самарадорлигини ошириш: сиёсий имкониятлар ва амалий воситалар” ҳисоботида қайд этилишича, инновацион кластер инновацияларни яратишга ҳисса қўшадиган ташкилотлардан иборат таъминотчи ва истеъмолчилар ҳамда таълим муассасалари ўртасидаги яқин алоқалар тизимидан ташқил топган тузилмани ифода этади. Кластер бир-бири ўзаро билан ҳамкорлик қиладиган ва рақобатлашадиган ташкилотларни бирлаштиради ҳамда улар ўртасидаги алоқалар вертикал ва горизонтал тавсифга эга бўлади.

“Кластер” тушунчасини талқин қилиш борасидаги юқорида келтириб ўтилган ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, бизнинг фикримизча, инновацион-саноат кластери бу - муайян бир ҳудудда географик жиҳатдан маҳаллийлашган, бир-бирини тўлдирувчи, рақобатдош иқтисодий субъектлар (шу жумладан, таъминотчи, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар) мажмуидир. Бунда кластер субъектлари ўзаро, шунингдек, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари билан инновацияларни ёйиш борасида қулай муҳит яратиш, шунингдек, кластер субъектлари, ҳудудлар ва миллий иқтисодиётнинг инновацион фаоллигини ошириш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш мақсадида бирлашадилар.

Бизнинг фикримизча, кластернинг 3 тузилмавий унсурларини ажратиб кўрсатади:

ишлаб чиқарувчилар, бир-бирини тўлдирувчи тармоқлар, ресурслар ва хизматлар етказиб берувчилар, сотувчилар, харидорлар ҳамда илмий-маърифий марказни ўз ичига олган “бизнес” унсури (кластернинг “ўзаги”);


университет, бизнес мактаб, турли хил уюшма, савдо-саноат палатаси ва шу кабиларни ўз ичига олувчи “маҳаллий муассасалар” унсури;

давлат ташкилотлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ўз ичига олувчи, “давлат ва ҳудудий бошқарув органлари” унсури.

“Бизнес” марказий субъект ҳисобланади – у кластернинг асосини ташқил қилади. Қолган икки субъект – “давлат ва ҳудудий бошқарув органлари” ва “маҳаллий муассасалар” кластер инфратузилмасини шакллантиришга хизмат қилади.

Инновацион-саноат кластерининг мазмун-моҳияти, амал қилиш тамойиллари ва қонуниятларини тадқиқ қилиш натижалари асосида бизнинг фикримизча, инновацион кластерларни ривожлантириш модели қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ.

Таклиф этилаётган модел кластернинг таркибий тузилиши ва унинг субъектлари ҳамда инфратузилма унсурлари ўртасидаги алоқаларни аниқлашга, бу эса, ўз навбатида, кластер стратегиясини ишлаб чиқишга имкон беради. Бундан ташқари, ушбу моделдан кластерлашнинг ташкилий ва иқтисодий механизмини шакллантиришда фойдаланиш мумкин.



### Инновацион саноат кластери модели

Кластерни яратишдан кўзланган асосий мақсад, муайян бир иқтисодий натижа-рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишдан иборатдир, бу, ўз навбатида, алоҳида олинган ташкилот самарадорлигини оширишга ва умумий тарзда иқтисодий тараққиётнинг тезлашишига олиб келади. Кластер моделини жорий этишнинг асосий вазифаси - тадбиркорларнинг психологиясини ўзгартириш, умумий иқтисодий манфаатлар доирасида барча кластер иштирокчиларининг ҳалол, очик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ўзига хос имкониятларини тушуниб етишларига кўмаклашишдан иборатдир.

Бизнинг фикримизча, кластерларнинг вужудга келиши ва динамикаси ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ажратиб олган ҳолда, уларни қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

– “тадрижий” омилларнинг устунлиги таъсири остида вужудга келган кластерлар;

– “конструктив” омилларнинг устунлиги таъсири остида вужудга келган кластерлар;

– Иккала омил таъсири натижасида вужудга келган кластерлар.

Ушбу тасниф кластернинг пайдо бўлиши ва ривожланиш механизмини яхшироқ тушунишга, унга сезиларли таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлашга имкон беради, бундан ўз навбатида, кластер стратегиясини ишлаб чиқиш ва кластерлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Амалда, кластерларнинг у ёки бу турга мансублигини ажратиш аксарият ҳолатларда катта қийинчилик туғдиради. Одатда, улар кластерларнинг кўриб чиқилган типларининг ўзига хос комбинациясини акс эттиради. Ҳаётийлик циклининг турли босқичларида ички ва (ёки) ташқи омилларнинг таъсири остида ривожланиш жараёнида кластерлар аввалги жиҳатлари ва компетенцияларини йўқота бориб, уларга хос бўлмаган жиҳатларни кашф этган ҳолда, ўз ички тузилишини ўзгартириши мумкин. Бугунги кунда кластерларни тўлақонли таснифлашга ҳар қачонгидан кўра, катта эҳтиёж мавжуд, зеро, ҳеч бўлмаганда кластерга мансуб ва мансуб бўлмаган тузилмаларни фарқлаш талаб қилинади.

#### **ХУЛОСА**

Кластерларни яратишдан кутилаётган иқтисодий самара қуйидагилар билан изоҳланади:

– чегара ҳудудларда жойлашган кластер субъектларининг ялпи салоҳиятидан янада самарали фойдаланишга имкон берувчи, савдо-ишлаб чиқариш кооперацияси;

– ишларнинг бир қисмини аниқ фаолиятга ихтисослашган ҳамкорларга ўтказиш йўли билан ишлаб чиқариш базасини модернизациялаш харажатларини камайтириш;

– узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш асосида ишлаб чиқаришни хомашё, материаллар билан таъминлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш ;

– меҳнат тақсимоти, ихтисослашув, ихтисослашган ташкилотларни жалб қилиш орқали айрим бошқарув функцияларининг самарадорлигини ошириш;

– инвестицион-молиявий кооперациянинг ишончилигини ошириш.

Умуман олганда, инновацион-саноат кластерларининг ривожланиши муайян бир ижтимоий-иқтисодий самарага эришишга имкон беради. Булар:

- барча кластер иштирокчиларининг молиявий имкониятларини бирлаштириш, ташқаридан инвестицияларни жалб қилиш, грантлар шаклида

молиялаштириладиган лойиҳалар танловларида биргаликда иштирок этиш, кредит ресурсларини олиш кафолатларини таъминлаш учун молиявий имкониятларни бирлаштириш орқали молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш;

- тармоқнинг инновацион салоҳиятини ошириш;
- фан ва таълимнинг кластер ташкилотлари ва ҳокимият идоралари билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали тадқиқот натижаларини ҳудудий саноат сиёсатига жорий этиш жараёнларини тезлаштириш;

- синергия самараси ва сифат, логистика, ахборот технологиялари борасидаги ёндашувларни бир хиллаштириш ҳисобига харажатларни камайтириш ва фан сиғимли маҳсулотлар сифатини яхшилаш;

- таъминотчилар билан ишлаш самарадорлигини ошириш;
- янги ташкилотларни рағбатлантириш;
- юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар экспортини кўпайтириш, импорт ўрнини босишни кенгайтириш;

- маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш даражасида кластер иштирокчиларининг ўз манфаатларини янада самаралироқ ҳимоя қила олишларига эришиш;

- ҳудудда бандлик даражасини ошириш;
- кластер иштирокчилари ўртасида мутлақо янгича тартибдаги одобахлоқ, ишонч ва ҳамкорликка асосланган муносабатларнинг пайдо бўлиши, янгича фикрлаш тарзини шаклланиши;

- кластер таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш;

- ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий равнақини таъминлаш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Hanushek, E. A., & Woessmann, L. (2019). The knowledge capital of nations: Education and the economics of growth. MIT Press.
2. UNESCO. (2021). Global Education Monitoring Report 2021: The hidden crisis: Armed conflict and education. UNESCO Publishing.
3. World Resources Institute. (2019). The World Resources Report: Towards a More Equal City. Washington, DC: World Resources Institute.
4. Seto, K. C., et al. (2018). City-scale Climate Change Mitigation in the United States. Nature Communications, 9(1), 1-12.
5. Pacione, M. (2009). Urban Geography: A Global Perspective. Routledge.
6. Moomaw, W., et al. (2019). Urbanization and the Carbon Cycle: Contributions from Social Science. Earth's Future, 7(4), 425-450.

7. Bhan, G., et al. (2019). The Routledge Companion to Planning in the Global South. Routledge.
8. Turdaliyev, I., & Samadkulov, M. (2024). THE GREEN ECONOMY: PAVING THE PATH TO SUSTAINABLE PROSPERITY. *Science technology&Digital finance*, 2(2), 49-51.
9. Samadkulov, M. (2023). THE ECONOMICS OF URBANIZATION: CHALLENGES AND STRATEGIES FOR SUSTAINABLE DEVELOPMENT. *SPAST Abstracts*, 2(02).
10. Самадқулов, М., Шукурова, И., & Туйчиев, Д. (2023). Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliya bozori va unda bank infratuzilmasining o'rnı. *Информатика и инженерные технологии*, 1(2), 160-164.
11. Gurbandurdievich, M. Q. (2023). Conceptual Basics of Improving Innovative Capacity and its Increase Mechanism. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 20, 1-4.
12. Самадқулов, М. И. Ў. (2022). МАМЛАКАТ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (3 (151)), 70-76.
13. САМАДҚУЛОВ, М. ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ. ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ Учредители: Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека, (3), 70-76.